

Об-хавосига сал-пал чидаса бўладиган киш кунларининг бирида, нешиндан кейин Лом йўлига айлангани чикдим. «Айлангани чикдим» сўзларини эшитганда, олдинга ва оркага силжувчи хар хил одамлар орасида одоб саклаб, аста-аста кетаётган, модага мувофик кийинган, танишлар учраганда, назокат ила жилмайиб, эхтиром-ла тъзим бажо айлаб, тинмай шляпаларни кўтариб кўйишларни тушунадиган дўстларни огохлантириб кўяй, уларнинг умиди пучга чикади: бу юл у кадар ёкимли кўринишга эга эмас. Софиядан хар хил юналишда ям-яшил далалар бўйлаб сарик тасмалардай таркалиб кетувчи катта йўллар орасида Дунай бўйидаги Лом шахри билан туташтирувчи бу юл энг кимсасиз ва бошкент одамлари менсимайдиган тарафдир. Софияликлар шапкка ва жанубга борадиган йўлларда айланиб юришни афзал кўрадилар. Лом йўлини факат дехконларнинг гурсиллаган одамлари жонлантиради: хар пайшанба, яъни бсзор куни, оломон турнакатор манзара хосил килиб, шовкинлаганча Софияга талпинади. Лекин бу йўлнинг бир бебаҳо устунлиги борки, унинг бошка камчиликларини ортиги билан коплаб юборади: одам бу юлда маза килиб ёлгизланиши, тўгрироги, ўзини эркин хис килиши мумкин. Балки, бу менинг назаримда шундайдир. Чунки кўпинча одам шахар шовкини ва югур-югурларидан бир дакикага бўлса хам бир кутилгиси, сикилмасдан тоза хаводан бутунлай эркин нафас олгиси келади, маза килиб фикр ва хаёлларга берилган холда, жамият расм-русмлари исканжасидан фориг бўлиб, золимларга сония сайин кулларча бўйинсуниш таомилидан четда, хоҳлаган ерида тентираб юргиси келади, гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга караб, хеч нарса керак бўлмаса хам, бирорга тазим килиб, бирорнинг таъзимиға жавоб кайтариб, турмуш бехаловатлиги, ёлгон ва мунофиклик (тилёгламалик) театрода катнашиш, беихтиёр бунинг иштирокчиси бўлишдан кочгиси келади. Шу нуктаи назардан караганда, Лом йўли — бенихоя гўзал жой, фавкулодда ишонарли бошпанадир. Яна бир зўр томони шуки, бу ерда кўз ўнгингизда багоят ажойиб, тасвирилаш имкони бўлмаган панорама, бетакрор кўринишлар ясланиб ётади. Кўзларни мафтун этувчи, кўнгилларни антика шодлик билан тўлдирувчи манзаралар: бу ерда шундай енгил-енгил тин оласизки, бу ердан кенг София текислиги узра ажиб тоглар силсиласи бутун яхлитлиги билан, кўрки-жамоли-ю, гўзаллиги билан кад ростлаганча кўриниб туради. Бу ерда кўхна низмалар (Стара-планина) яп-якин, унинг сон-саноксиз паст-баланд тепаликларини роҳатланиб томоша киласиз, битмас-туганмас тизмалари уfkнинг бутун шимолий кисмини эгаллаб ётади. Олис- олислардан бир караганда бу унчалик баланд бўлмаган ва ўрмонсиз тог чўккиси худди бир хил ва хеч нимаси билан эътиборга лойикмасга ўхшаб кўринади аммо мусаввирнинг ошик нигохи унда шундай кутилмаган тафсилотлар, шундай бир нафислик, чизгилар, шакллар, ранглар, бурилмаларини кўриш мумкинки... айникса, куёш уни ён томондан ёритганда табиятнинг бу комил асари каршисида завқдан нафаси тикилиб колиши хеч гап эмас. Кўхна тизмалар жанубдаги баҳайбат ва салмоги огир Витошанинг бутунлай тескариси, Витоша хакида хам шундай хаёлга боради киши.

Табият Мен качон унинг каршисида тўхтасам, юрагим ивиб кетгандай бўлади, бугун борлигим энг яхши, сокин кечилмалар билан тўлмаган пайти бўлмайди. Факат у билан бирга бўлган пайтларимдагина ичимдаги кабих ховотирлар ва кундалик майда-чуйда манфатларининг овози учади. Инсон табият билан опок-чопокликда ёлгиз ва кушдай эркин бўлади. болага айланган пайтлари оз бўлмайди, бу дунёда борлигидан англашилмас кувонч хис килади, Оллоҳ гўзал, ёруг, улугвор килиб яратган барча

нарсалардан хеч кандай тўликсиз, тўйгунча ором олади, ундан лаззатланади, уни сидкидилдан яхши кўради. Агарки Холук инсонни чала килиб яратган бўлса, агар айблари, хирслари, бузукликлари, руёйи ва жисмоний кусурлари олий комилликдан жуда узокда бўлса, унутмаганки, табият унинг аслидай кўринишга эга унинг ўзидай улуг, унинг ўзидай мангу, унинг ўзидай илохий ва меҳрибондир.

Мен феврал ойида Лом йўли бўйлаб бир сайрга чиккандим, бу сайр рухимда чукур ва хчмас тассурот колдирди. Кул рангидаги куюқ булатлар бутун осмонни коплади, аммо шундай баландликда, тох тизмасиниг оппок чўккилари булатдан холи колди. Анчагина кучли, лекин соглом ва ёкимли бир изгирик об-хово тинч сал-пал кўкарган кузги арпапоялар билан ёнма-ён чўзилиб кетган йўлда аравалар заранг килиб юборган излариниг охири кўринмайди. Бу изларнинг кок ўртасида бир сўккмок ўтганки, у хам юрилавериб котиб кетган. Бу сўкмок бўйлаб кетишнинг у кадар оғирлиги йўк. Киш совуклари камарган кенгликлари мунгли сукут ичра мудрайди факат какилаганича каргалар галаси учеб ўтади, ё телеграф симларига кўнади ва ё ерга кўнади. Оксочли Витоша ва кўхна тизмаларнинг корли чўккилари ўз совук осмонлардан кафандари йиртилиб хар ер хар ери очилиб колган ўлик далаларга кандайдир оғир, англашилмас жиддий назар билан караб туришарди. Гарб томонда, унча тик бўлмаган, паст-баланд Вискер тизма тогларнинг ёнбагирлари узок-узокларга караб кетган, у ёкларда булатлар даста-даста бўлиб бутун уфқ бўйи то ергача осилиб тушгани кўриниб туради. Ва у томонидан келаётган курук ва совук шамолга караб у ерда кор ёгаётганини фахимлаш кийин эмасди. Йўлда хеч зот йўк эди. Бутун манзара сирди гўзаликка тўла - киш осмони остида аллакандай шеърият уфуриб турарди ... Гап кишнинг жозибасиз ва маъюс манзараси устида кетаётганда, эҳтимол бу икки сўз галати эштилар. Гўзалик ва шеърият хаёт тушунчаси боғлик улар одамда ёркин ранглар чарогонлик байрами, билур жилгаларинг шилдир-шилдири сокин сояларда пичирлашаётган ярпоклар, ойдин кечаларнинг сехирловчи жимлиги хакидаги тасаввурини жонлантиради. Аммо ўлик сукунатчи, хеч кандай харвкатнинг йўклиги мик этган бир овоз инсоний хароратнинг йўклигичи? майитли тобут кўриниб турганда гўзалик туйгуси уйгонадими? Гўзаликнинг бирорта унсури бўлмаган жойда шеърият нафаси сезиладими? Билмадим, аммо бу гамгин киш манзарасида шундай гўзалик шундай шеърият мавжуд эдики, шоирнинг калами муссавирнинг мўйкалами буни гавдвлантиришга киришса, барча уринишлар зое кетарди улар кўкламнинг шодликларига тўла манзарасини бой оханг ва кирралари билан тасвирлашда кийналмай нозик саънат шакилларини яратган бўлсаларда мен айтган гўзалик ва шеъриятни яратишда анчагина кийналган бўладилар. Бу киш манзарасиниг гўзалиги ва шеърияти хис килинар идрок этдилар фикр гўзалигедай гоянинг кучидай кўнглидан жой олар эди.

Бу хазин манзара бутунича шоирона ниятларга уйгун эди, неча кундан буён менинг хаёлимдан кетмай юрган режамга мос келарди. Мен теран уйларга чўмганча темирйўл бекатидан бир чакиримча беридаги коровулхонага етиб бордим.

Вискер томонидан эсаётган намчил шамол юзларимга майда кор учкунларини ура бошлади. Кейин ўвода чир-чир айланаётган ва бир-бири билан тўкнашаётган пара-пара корлар изма-из келди. Энди куюқ булатлар менинг бошим устида калашади. Кош корая бошлиши билан совукнинг кахри ошди. Шу аснода бир кари дехкон аёлни учратиб колдим. У нимагадир улгурмай колган, хассасини тўккилатиб ошкканча тез-тез келарди. Йўлимиз бараварлашганда, мен тўхтаб уега салом бердим. Алик олиб, у хам тўхтади. «тан-жонингиз сог бўлсин» деб кўйди.

Мусичадеккина, жуда кари аёл эди. Кийим ва латта-путталар тугунга ўхшаб кетадиган бир юк, ботик кўкраклари устидан кесишган иплар билан сиртига боғланганлиги сабабли, томирлари бўртиган, кок суяк кўллари бўш колган эди.

— Каёқдан келаяпиз бувижон? - сўрадим мен.

У мен билмайдиган бир кишлоқнинг отини айтди.

— У бу ердан узокми?

— Мен каллаий сахарлаб йўлга чиккандим... Узок тогларда яшаймиз. Демак роппо-роса ўн соат йўл юрибди, мен уни учратганимда хам деарли чопиб кетаётган эди.

Мен беихтиёр ёшини сўраганимда;

Етмишларга бордим-ов - деди Ха таксир етмишлардаман. Унинг афт ангори хам буни тасдиҳлар эди. Вой худойим-е йиллар оғир меҳнат маҳрумиятлар исканжасида оҳ-воҳсиз ўтган кийинчилик ва машаккатлар унинг юзида на кадар чукур өмурвчи излар колдирибди-я.

Бу кок суяк тика мадори куриб кораеб тупрок ранг бўлиб кетган юзини хамма йўналишида хунуқдан - хуник ажинлар коплаган эди. Хаёт барча шавкатсиз жабру жафоларини шу юзида акс этирган, аёлга хос бирон бир инсоний нағисликка ўрин колдирмагандек туйиларди. Бу юз холи жони колмаган ва газаби кайнаган хўқизлардек аллакандай жирканч ифодали машъум бир никобга ўхшаб кўринарди.

«Корай, тери, чида, жон» - неча-неча асрлар бўйи давом этган куллик азоблар таърифига сигмайдиган укибатлар буогор халгининг калбидан мана шу сўзлар аклга келарди. Факат унинг хира ва сўник нигоҳили кўк кўзларида энди бу кўркинчли никобни жонлантириб юрувчи аллакандайилик беозор маюс бир нур пайдо бўлди.

Бирдан каердадир жуда якин жойда аллакандай ховонча пиҳхилади. Мен атрофга англадим.

Зўрга эшитилувчи бўғиланган зайд овоз такрорланди.

— Болани каёка олиб кетаяпиз бувижон? Кимнинг боласи у?- деб сўрадим ундан, бола уники эмаслигини тушундим.

— Келинимнинг боласи -жавоб? хали зигирдек кечагина тугулди.

— Кеча? уни каёка лоиб кетаяпиз?

— Софияга олиб кетаяпман. Онаси кечани ўзида узилди... мен сахарлаб йўлга чикдим, Коронги тушганча етиб олай деб шошилиб кетаяпман... Хам кичкирди... Хали бир мартаям эгани йўқ. Етим колди...

— Кампир менга титрок овоз билан оиласидаги гамгин вокияларни гапириб берди.

Кеча келини кўзи ёриётганда вафот этибдиб, бундан икки ой олдин унинг эри кампирнинг навкирон ўгри кандайдир номаълум бир кассаликдан ўлган экан. Бор-йўги ўн хондонли кишлоқда янги тугилган чакалокни эмиза оладиган бирорта хам жувон топилмапди, бола эса очликдан ўлай депти . Уй совук, ўтин йўқ шамол латталарининг тагигача кириб баданни музлатади... Гам-гусса ва кашоклик. ўзи болани софияга олиб боришга аҳд килибди балки кимдир олар. Уерда хеч кимни танимайдифакат бир карvonсаройнинг бошлигини билади качонлардир у ерда бир кўниб ўтган.

На отаси, на онаси бор... Оллохнинг хузурига кетишиди. Мен кўлидан бир иш келмайдиган кампир уни парвариш кила олмайман. Эртага ўзим ўлиб колиш хеч гап эмас... Мана кимгадир беришга шахарга олиб кетаяпман-хурсиниб такрорлади у- Олгиси келган одам топилиб колар. Йўкса шўрлик очликдан ўлиб колади, хализгача эмизилмаган.

Латта-путталар ичida бўғилиб кетган чакалок худди кампирнинг гапини тасдиклагандай,

каттик аввалгидек ўткиррок овоз билан чинкириб юборд, аммо шу ондаёк яна жим бўлиб колди. Мен кўкариб кетган тбошчасинининг латта-путталар бекитолмаган ва кескин шом совугидан саглолмаган бир кисмини кўрдим.

— Балки, Софияда худонинг розилиги учун шу кошиқдай болачаниасраб олишга кўнадиган яхши одамларни биларсан?

Мен, бола кизми, ё ўгилми деб сўрадим.

— Киз деб жавоб берди кампир.

У ночор кўзларимдан ёрдам бераолмаслигимни англаб, менга таъзим килди ва чопа-чопа илгарилаб кетди.

Бола латталар ичида бигиларди совук ховода гуппилаб ёгаётган корнинг пага-пага учкунлари очик колганбир бурдагина очик колгашан бошласига урилаётгандирки унинг овози оплок кенг далаларда гоҳ тиниб гоҳ таралиб борар эди.

Мен бўлсам корли кенгликлар аро сиртида бола билан йўқ бўлиб бораётган пастгина бўйли кампирдан кўзларимни узолмай михлангандай турган жойимда котиб турадим. ўшал дакикада кўнглимни тўлатиб юборган оғир фикрлар ва иложсиз азобларни хеч качон унитмайманю мен шундок ёнгигасида мамакалдирок гулдираб гангиб колган одамга ўхшардим. ўзгариб бўлмайдиган аёвсиз, шавкатсиз хаётнинг бу кўркинчили фожияси, қахри каттик турмушнинг бу хакикати одам хар куни хар кадамда тўкнаш келадиган минг-минглаб одамларнинг бири менинг юрагимнинг илдиз-илдизгача зиркиратиб юборди.

У менга катта баҳтсизликни кўрганда хар кандай одамда хам уйгонадиган аянч ва хамдардликни эмас, аллакандай бошка бундан даҳшатлирок виждон азобига якин турадиган ички галаёнли ховотирга ўхшаш бир туйгни уйготди... Хозиргина шул дакикада менинг калбим ширин хаёлларнинг енгил тўлкинларда жон коитмай сузаётган бир пайтда тўсатдан шундок бурни-бурнига тўкнаш келган бир одамнинг чорасиз муносабати, менга.

Дунёвий ёвузылик шахси олдида, атрофимда хўнграётган, кўзёшлари сел бўлган, кутурган денгизга ўхшаб бутун борликни ютиб юбораётган буюк дунёвий Дардкалам кархисида менинг жиноий манманлигим, менинг худбинлигимга карши оташин норозиликдай, таънадай таъсир килди... Шунда бошқаларнинг бошидаги офат хакида ўйлашга йўл бермайдиган тўқ ва фаровон хаётимиз кўз ўнгимда шундай жирканч бўлиб кўринди! Биз кўнглимизда шундай эъзозлайдиган ва авайлайдиган нозик рухий эҳтиёжларимиз ва дардларимиз менга баҳтсиз халкнинг оғир такдиридан шафкатсизларча кулишга ўхшаб кўринди.

Аянчли ахволда халок бўлган ота, кўзи ёриётганда ўлган она, икковининг хам хеч кандай тиббий ёрдам кўрмаганлиги, очликк ялангочликда, шундай бир совук пайтда кечагина, эҳтимолки, бугун кечаси тугилган баҳти каро етимча, шундай осонгина ва кўзга ташланмай йўколган бутун бир меҳнаткаш оила, — булар халк оммасининг кундалик хаётидаги доим бўлиб турадиган оддий бир ходиса, холос. Ва бу омма сабркоткат билан, товуш чикармай машаккат билан оғир кун кечиради, тараккиётимиз, маданий ютукларимиз, нозик рухий лаззатлар, эзгу максадлар ва ахволни яхшилаш зарурлиги тўгрисидаги баландпарвоз гапларга кизикмайди. У хатто биздайлар борлигини хаёлига хам келтирмайди, ишлаганда, кийналганда ва ўлаётганда бизга заррача муҳтожлиги хам бўлмайди...

Юрагимда бундай кизгин туйгулар уйгониши учун менда асосли сабаблар бормиди?

Кутилмаганда оғир таассуротлар исканжасига тушиб колганим учун азобкукубат

чекаётган башариятнинг кўп кисмини ташкил этувчи биродарларимиз олдидағи масъулиятимиз кучини жуда ошириб юбормадимми? Озчиликни ташкил килувчи биз, имтиёзли гурухларга, шахарларда югур-югур, дабдаба, олижаноб курук гаплар билан овуниб юриш имконини бергани, аммо такдир хамма нарсадан маҳрум килган жуда катта кўпчиликнинг ярасига малхам кўйишда тамоман кучсиз бўлгани учун маданиятимиз айборми? Билмадим. Аммо ўшал дақикада бу туйгу ва фикрлар сели мени шиддат билан шундай босган эдики, мен унинг окимидан кутулолмас эдим, аччикланган калбим ёвузиликни шархлашни, тушунтириб беришни катъиян талаб килар эди ва мен хаммасини ижтимоий тузумда, бизнинг каршимизда кад кўтарган Буюк Ёлгонда кўрар эдим... Ва мен онгсиз равишда жаҳоний ҳакикат, умумбашарий маъмурлик, баҳт-саодатни орзу килган хаёлпаст толстойчилар, мурувватли туш сохиблари ва бошка койилмаком хом хаёл кишилар гурухига назар ташладим.

ўз-ўзимга тинмай савол берардим: бу баҳти каро кишлоқи бугун кимга ялинади, кимга, боламни асраб ол, дейди? Бу катта, унинг учун бегона шаҳарда каёкка бош уради? Ким ўзига кабул килади бу бола бечорани, агар бугун ўлмай колса, ким бокиб олади, ўлай деб турган етимча учун бирон меҳрли она юрагини тополмаса, бир илик бешик, бу совукда котиб колган коши кошиқдаккина гавдачага хаёт ҳароратини оқизишига тайёр бир кўкракни тополмаса, кампир шўрлик нима килади? Бола учун на бошпана, на меҳр-шафкат тополмаганидан кейин — гап бизнинг жамиятимиз ҳакида бораётгани учун шундай хол юз беришига шубха килмаса хам бўлади — бир оёги ерда, бир оёги гўрда турган бу кари кампир унга кандай карасин, уни кандай улгайтирсин? Бутунлай зое кетадиган уринишлар каби, хеч хал килиб бўлмайдиган муаммолар хам бўлади. Бундай муаммолар кархисида мардлик ва жасорат хам ўрнини бутунлай кучсизликка бўшатиб берар, инсон такдирнинг аччик карори олдида кўли хеч кандай ишга бормай колар экан. Ҳакикий хаётнинг машъум шарпасини кўрмаслик учунен ундан ўзини олиб кочар, уни ўзини кўрмасликка олар экан.

Кампир мендан тахминан ярим километрча узокка кетиб ўлгўрган эди, мен бўлсам дамба-дам оркамга ўгирилиб, оппок лайлак кор тўрлари орасида унинг тез-тез кетаётган шаклласини кўрардим. Кейин бирдан оркага кайтдим: унга етиб олиш керак! Нимага? Нимагалигини ўзим билмасдим, лекин нимадир килишим, унга ёрдам беришим кераклигини, боланинг тақдири тўгрисида гамхўрлик килишим, хеч бўлмаганда шу совук кечада бирон ерга жойлаштиришим кераклигини, боланинг тақдири тўгрисида гамхўрлик килишим, хеч бўлмаганда шу совук кечада бирон ерга жойлаштиришим кераклигини сездим. Менинг шахсий шарт-шароитларим якин кишим, биродарим учун чинакамига ўз манфаатларимдан кечиб, фидойилик килиш бурчини адо этишга хеч канакасига йўл бермас эди. Балки, бу бир баҳонадир... Инсон ўзининг тошбагирлигини одоб-ахлокнинг истаган бир никоби остига яширишга мойил бўлади. Аммо у ўзининг ичидаги ҳакам, илохий Кози — Виждонни алдай оладими? Асло. У факат виждон азобининг шиддатини бироз пасайтириши, озгина тизгинлаши мумкин... Бу холис кози хам ўзаро келишувга, муросага мойилрок бўлади. Мен хам ўзимча бир муросага келдим: кампир бугун кечаси бошпана ва озгина сут топиб, болани тўйгазиши учун хозир унга бир кадар пул бераман, эрталаб эса у ёк, бу ёқдан керакли маълумотлар кидираман, хеч бўлмаса бир кун яшаб туришига имкон топаман, шу тарика уни мукаррар ўлимдан саклаб коламан.

Кўнглимда шундай чексиз режалар билан кампирнинг изидан югурдим. Кор кучайгандан кучайиб борар, мен энди унинг шарпасини аранг фарклар эдим. У шлагбаум олдида тўхтади; билдимки, у коровул билан гаплашяпти. У ушланиб колган вакт бизни айириб

турган масофани икки баравар кискартиришга ёрдам берди. Шамол кор учкунларини учирар, гохида уларни буркиратиб тикка кўтарарди. Темирйўл кўтармасига етиб, шлагбаумдан ўтганимда кампирнинг катта йўлдан ўнгга бурилганини ва сўкмок бўйлаб шошганча ўрмон яланглигига йўналганини кўрдим. Бу етмиш яшар кампир кандайдир серҳаракат кизалокдай кийналмай югуради! Мен уни кичкириб тўхтатмомокчи бўлдим, аммо кучли шамол овозимнинг садоларини ён томонга суриб кетарди. Нихоят у кўхна турк истехкомининг чап томонидаги Конювитсага етди ва Княжевск дарёси бўйига тушди. Иккикуч дақиқада мен бу дарё кўпригида эдим. Хар ёкка олазарак бўлганимдан фойда чикмади. Кампир эски бир маҳалланинг тор кўчаларида гойиб бўлган эди. Менинг кидириш ва тентирашларимдан бир натижа чикмади: мен унинг изини ва яхшилик килиб кувониш имконини бутунлай йўкотдим. Шамол, каттиқ жазаваси тутиб корбўронга айланган, шиддатли тезлик билан хуфтон коронгисида кор булутларини у ёқдан бу ёкка кувар, эшик ва деразаларни такиллатар, шу асно менинг назаримда газаби ошиб кетган табиий кучларнинг кўркинчли гувиллашлари ичida совук изгирикдан котиб колган ва очликдан ўлаётган кошиқдаккина болачанинг зорланган ва кийналиб кетган йигиси эштилаётгандай бўларди...  
Мен Авлиё Крал ёнидан ўтаётганимда, эзилиб, номусдан адойи тамом бўлиб, беихтиёр черковга кирдим ва узок-узок ибодат килдим...

Русчадан Миразиз Аъзам таржимаси